

Мусулмон Шарки ўлкаларида аёллар жамиятнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида, исломнинг илк даврлариданок, ўз сўзларини айтишга имкон топа олганлар. Айниқса, шоира ва муганния аёллари бу йўналишда қилган ишлари алоҳида диққатга сазовор. Тасаввуфнинг шаклланиш босқичида ўз шеърлари билан бу гоёларни тарғиб қилишда катта жонбозлик кўрсатган Робия Адвия (милодий VIII асрда яшаб ижод қилган)нинг адабий мероси кейинги даврларда ҳам эътибор ва эътироф доирасидан четда қолмади. Шунингдек, IX аср форс адабиётининг намояндаси бўлмиш Робия Балхий шеърлари ҳам кейинчалик Атторм, Румий, Жомий ва Навоий каби улуг шоирларнинг эътиборини ўзига тортди.

Давлатчилик соҳасида ҳам аёллар жамият тараккиётининг муайян босқичида хал қилувчи рол ўйнаганлари тарихий манбалар ва тадқиқотларда ўз ифодасини топган. Аммо шу билан бирга, аёлларнинг ўрта асрлар тарихи саҳнасидаги мавқеи масаласи ўзининг тугал ва тўлиқ ечимини топган, деб бўлмайди. Чунки, тарихий манбаларда номлари қайд қилинган, аммо илмий жамоатчиликка нотаниш бўлган ижодкор ва сиёсатчи аёллар хали жуда кўп. Айниқса, мўғуллар истилоси давридаги аёллар қисмати бу-гунги фан учун алоҳида аҳамиятга эга.

Мўғуллар салтанати ва мустабид ҳукумати аёллар, ва умуман, Шарқ аҳолиси учун энг оғир давр ҳисобланади. Башарият цивилизациясининг қадимий ўчоқлари-дан бўлмиш Самарқанд, Бухоро, Марв, Термиз, Нишопур, Балх каби ўнлаб шаҳарларни қултепага айлантириб, бир замон-лар гурқираб ривожланган бу илм-маданият марказларидан фақат маҳзун ва қонли хотира қолдирган бу қавм учун жаҳолат ифтихор манбаи эди. Шунга қарамадан, ижодкор аёллар катта жасорат билан ўз қечинмаларини шеърий усулда ифода этишга ҳаракат қилганлар. Ўша даврда яшаб ижод қилган Пошшо хотун, Оиша Самарқандий, Ғозила Самарқандий, Қавқаб каби ижодкор аёлларнинг ижодидан намуналар бугунги илмий жамоатчиликка маълум. Ана шундай шоирлик истеъдоди соҳибаси бўлиш билан бирга, ўз даврининг сиёсий ҳаётига фаол ара-лашган жасоратли аёллардан бири -Фотима хотундир.

Фотима хотун ҳақида илк маълумотлар Атомалик Жувайний қаламига мансуб "Тарихи Жаҳонгушойи" китобида қелтирилган. Ундан кейинги манбалар, асосан, Жувайний қелтирган маълумот-ларни такрорлайдилар. Жувайний қелтиришича, асли машҳадлик бўлган бу аёл турк зодагонларидан бўлиб, болалигида бошқа асирлар қатори мўғуллар пойтахти - Қорақурумга олиб қелиниб, қул бозорида сотилган. У ерда ёш бўлганига қарамадан, ўзининг юксак тарбияси ва ўткир фаҳм-фаросати билан бошқалардан бир бош қаланд турган Фотимани исми бизга номаълум бир гунҷачи аёл сотиб олади. Фотима бир муддат шу аёл хизматида бўлиб, хон ва мўғул аъёнларига мўлжалланган чўри ва қанизақларга сарой одоби, расм-русумини ўргатади, мусиқа ва шеър илмидан таълим беради. Қасби тақозоси туфайли Ўқтой қоннинг хотини - Турқина хотун билан танишади ва қўп ўтмай, унинг энг яқин қишисига айланади.

Милодий 1261 йили Ўктой коон вафот этади. Тахт вориси - Куюкхон эса хали балогатга етмаган эди. Шунинг учун, мўгуллар ясокининг коидалари бўйича, Туркина хотун валиахд балогатга етгунча давлат бошқарувини ўз кўлига олади ва 1265 йилгача мўгулларнинг чексиз империясига хукмронлик қилади. Ушбу даврда Фотима хотун ана шу чексиз империянинг иккинчи нуфузли шахсига айланади. Туркина хотун унга хожиба унвонини беради ва давлат ишларида факат у билан маслахатлаша-диган бўлади. Фотима хотун вазиятдан фойдаланиб, босиб олинган ўлкаларда "солик тизимини тўғри йўлга қўйиш ҳам-да дехкончиликни ривожлантириш" бахонасида Хуросон ва Мовароуннахрда маҳаллий зодагонларни хокимият тепасига келишига ёрдам беради. Бу ислохотга қарши чиққан бош вазир ҳам айнан Фотима хотун маслахати билан хокимиятдан четлаштирилади. Фотима хотунга бир неча марта суикасд уюштирилади, аммо бу суикасдлар ўз вақтида фош этилади. Шунча таҳдид ва қаршиликларга қарамасдан, Фотима хотун ўз гоёларини амалга ошириш йўлида собитқадамлик билан қурашади.

1265 йили, Куюкхон хокимиятни ўз кўлига олганидан сўнг, вазият бирмунча ўзгаради. Фотима хотун давлат ишларига бевосита даҳолат қилолмаса ҳам, ўрта бўғиндаги амалдорлар олдида нуфузи жуда баланд эди. Шунини инобатга олган ҳолда, Куюкхоннинг шахсий шаробдор соқийси бўлмиш Шеруя Алавий унга сиёсий иттифокчиликни таклиф этади, аммо Фотима хотун сиёсий фитналарга бош қўшишни ўзига эп қўрмайди ва Шеруя Алавийнинг таклифини рад этади. Ўзининг пинҳона ниятлари фош бўлишидан қўрққан Шеруя Алавий Фотима хотунни сиёсат сахнасида бутунлай четлаштириш мақсадида уни сеҳргарлик-да айблади ва неча йилдан бери бедаво дард билан қурашиб келаётган Куюкхоннинг иниси - Қутонхон қасаллигининг сабабчиси сифатида хоннинг олдида ёмонлайди. Дард зўрлигидан иродаси танаси қаби заифлашган Қутонхон ҳам ушбу игволарга ишонади ва ҳукмдор ақасига мактуб йўллаб, уни Фотима хотуннинг сеҳргарлигидан огоҳлантирмоқчи бўлади. Қўп ўтмай, Қутонхон сирли тарзда вафот этади. Куюкхон уқасининг ўлимида Фотима хотунни сабабчи деб билиб, онасидан уни олдига юборишни талаб қилади. Туркина хотун бунга рад жавоби беради. Фотима хотунни деб она ва подшоҳ ўғли ўрталарида совуқчилик тушади. Куюкхон "агар Фотимани топширмасангиз, ўзингизга ҳам қатъий чора (ўлим жазоси) қўрилади" оҳангидаги кескин таҳдидларидан сўнг, Туркина хотун Фотимани хон кўлига топширишга мажбур бўлади. Куюкхон Фотимани сеҳргарлик ва хон хонадонига душманлик қилишда айблади, аммо Фотима буни игво ва бўҳтон эканлигини исботлашга тушади. Фотимани зиндонда мисли қўрилмаган "мўгулча" қийноқлар қутарди. Тирноқларни биттадан сугуриб олиш, аёвсиз қамчилаб, тузнинг устига ётқизиш, сурункали очлик, ташналик туфайли Фотима бу ерда адолат йўқлигини англаб этади ва қилмаган гуноҳни бўйнига олади. Фотимани наमतга ўраб, қиздирилган ёгга ташлайдилар, ундан сўнг чалажон танасини қаҳратон қишда анҳорга улоқ-тириб юбордилар... Фотима хотуннинг ўлимига сабабчи бўлган Шеруя Алавий ҳам қўп ўтмай, ўз қилмишига яраша жазосини олади - у ҳам жодугарликда айбланиб, тилка-пора қилинган жасадининг бўлақлари шаҳар дарвозалари олдида дорга осилади.

Жувайний Фотима хотун ижодидан иккита рубоий келтиради. Мазкур рубоийлар унинг шоирлик маҳорати ҳам юқсак эканлигини қўрсатади.

Тарихдан маълумки, мустабид хокимиятнинг тармоқларида фаолият юри-таётган маҳалл;ш амалдорлар муайян нуфуз ва овозга эга бўлгандан кейингина асоратда бўлган халқларнинг энг асосий орзуси - истиклол гоёсини рўёбга чиқариш учун қурашишга

имконият тугилади. Бу ҳақиқатни тўғри англа-ган Фотима хотун маҳаллий зодагонлар ҳокимият тепасига келишлари учун курашди ва бу йўлда ўзи ҳам қурбон бўлди. Шу жihatдан, Фотиманинг ҳаёти бугунги замонда ҳам ибратлидир.

**Шерзод Жўраев,**

ТошДШИ, Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси ўқитувчиси